

**ЭНДИЛИКДА ҲАЙДОВЧИЛАРНИ СПИРТЛИ ИЧИМЛИК ИЧГАНЛИГИ ИЧКИ
ИШЛАР БЎЛИМЛАРИНИНГ НАВБАТЧИЛИК ҚИСМЛАРИДАГИ МАХСУС
АЛКОТЕСТЕРЛАР ОРҚАЛИ АНИҚЛАНАДИ.**

Холмуродов Бунёд Бекмурот ўғли

Навоий вилояти юридик техникуми ҳуқуқшунос ўқитувчиси.

Собиров Мирзоҳид Розикович

Навоий вилояти юридик техникуми кафедра мудири.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11277224>

Аннотация. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 апрелдаги 190-сонли қарори асосан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг алкогольли ичимлик истеъмол қилганлиги ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларидаги алкотестерлар ёрдамида “ичганлик”ни аниқлаш белгиланди.

Калим сўзлар: Ичганлик, алкотестер, тиббий текширув, холислар.

**NOW DRIVERS ARE DETECTED BY SPECIAL BREATHALYZERS IN THE
DUTY UNITS OF INTERNAL AFFAIRS DEPARTMENTS.**

Abstract. Cabinet of Ministers decision No. 190 of April 5, 2024 introduced the procedure for determining "drinking" with the help of breathalyzers in the duty units of internal affairs bodies.

Key words: Drunkenness, breathalyzer, medical examination, biases.

**ТЕПЕРЬ ВОДИТЕЛЕЙ ВЫЯВЛЯЮТ СПЕЦИАЛЬНЫЕ АЛКОТЕСТЕРЫ В
ДЕЖУРНЫХ ЧАСТЯХ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ.**

Аннотация. Постановлением Кабинета Министров от 5 апреля 2024 года № 190 установлено определение «пьянства» с помощью алкотестеров в дежурных подразделениях органов внутренних дел.

Ключевые слова: пьянство, алкотестер, медицинское освидетельствование, предубеждения.

Бундан буюғига ички ишлар органлар ходимлари ва Миллий гвардия ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг алкогольли ичимлик истеъмол қилганлиги ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларидаги алкотестерлар ёрдамида аниқланади.

Бу бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 апрелдаги 190-сонли қарори қабул қилинди ва бу қарор билан навбатчилик қисмларида алкотестерлар ёрдамида “ичганлик”ни аниқлаш бўйича алоҳида низом ҳам тасдиқланди.

Мазкур қарорга асосан 2024-2025 йиллар давомида ички ишлар органлари тасарруфидаги навбатчилик қисмлари босқичма-босқич жами 208 та алкотестерлар билан таъминланадиган бўляпти.

Юқоридаги 190-сонли қарорга асосан, алкотестер текшируви камида 2 нафар холис иштирокида, зарур ҳолларда эса шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида ўтказилади.

Ундан олдин масъул ходимлар шахсни ва холисларни алкотестернинг ишлаш тартиби билан таништиради ва уларнинг талабига асосан қиёслаш сертификатини кўрсатади.

Текширилувчи шахс юқоридаги маълумотлар ва ҳужжатлар кўрсатилмаганда ёки мосламанинг носозлигига шубҳа уйғонганда ёки алкотестер ўтказиш жараёнида санитария-гигиена қоидалари бузилганда, алкотестер текширувидан бош тортиши мумкин.

Текширилувчи шахснинг оғиз бўшлиғидан чиқарилган ҳаводаги этанол буғлар концентрацияси кўрсаткичи 0,135 миллиграмм ва ундан юқори чиқса, масъул ходимлар бу шахсга нисбатан алкоғолли ичимликлар истеъмол қилганлиги юзасидан холислар иштирокида баённома расмийлаштиради. Шу билан “ичганлик” факти тасдиқланган бўлади.

Агар шахс алкотестер ёрдамида текширувдан ўтишдан бош тортса ёки унда техник воситалар орқали ўтказилган алкотестер текширувига эътироз бўлса, масъул ходимлар ушбу шахсни тиббий текширувдан ўтказиш учун тумандаги даволаш-профилактика муассасасига олиб боради. Факт ўша ерда аниқланади.

Ҳалиги шахс туман даволаш-профилактика муассасасида ҳам тиббий текширувдан ўтишдан бош тортса, унга нисбатан қонуний жавобгарлик чоралари кўрилади.

Агар шахс алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган ҳолатда бўлса, масъул ходимлар бу шахсни Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 644-сонли қарорига мувофиқ тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб боради.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларида алкотестер ёрдамида шахсларнинг алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлигини аниқлаш тартиби тўғрисида 190-сонли Қарори

Интернет сайтлари

3. [Http://www.president.uz](http://www.president.uz). (Ўзбекистон Республикаси сайти).
4. [Http://www.lex.uz](http://www.lex.uz). (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти).
5. [Http://www.sud.uz](http://www.sud.uz). (Ўзбекистон Республикаси Олий Суд сайти).